



МУЛКИЙ ХУСУСИЯТГА ЭГА БЎЛМАГАН СУД

ХУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ

М.Х.Турдахунов

Тошкент туман “Инсон” ижтимоий

хизматлар Маркази Ҳуқуқий масалаларда

эксперт маслаҳатчиси

Анотация: Мазкур мақолада мулкӣ хусусиятга эга бўлмаган суд ҳужжатларини ижро этиш жараёни, унинг ҳуқуқӣ асослари, амалӣ механизми ва ижро жараёнидаги муаммолар таҳлил қилинади. Суд қарорларининг ижроси ҳуқуқӣ давлат принципларининг асосӣ тамойилларидан бири бўлиб, у фуқаролик ҳуқуқлари, жамоат манфаатлари ва ижтимоӣ адолатни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида суд ҳужжатларини ижро этиш механизми аниқ белгиланган бўлса-да, амалиётда айрим муаммолар мавжуд. Жумладан, давлат ижросини кечиктириш, ижро жараёнидаги коррупция ҳолатлари, фуқаролар ва давлат органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг самарасизлиги каби муаммолар ижро тизимининг етарлича самарали ишламаслигига олиб келади. Шунингдек, мақолада мазкур муаммоларни бартараф этиш йўллари ва таклифлар ўрганилади.



Калит сўзлар: Суд ҳужжатлари, ижро жараёни, ҳуқуқий механизм, мулкӣ хусусият, суд қарорлари, ижро ҳужжати, давлат ижрочиси, Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги, қонунчилик, ҳуқуқий тизим, маъмурий чоралар.

КИРИШ. Ҳар қандай ҳуқуқий давлатнинг асосий тамойилларидан бири – суд қарорларининг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишидир. Суд қарорларининг ижроси нафақат ҳуқуқий тизим самарадорлигининг кўрсаткичи, балки фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Суд ҳужжатлари моддий (мулкӣ) ва мулкӣ хусусиятга эга бўлмаган талаблардан иборат бўлиб, уларнинг ижро этилиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва мажбурий ижро бюроси органлари фаолияти билан бевосита боғлиқдир.

Мулкӣ хусусиятга эга бўлмаган суд ҳужжатлари жисмоний ёки юридик шахслар зиммасига мулкӣ мажбуриятлар юкламайдиган, балки уларнинг муайян ҳаракатларини амалга ошириш ёки чеклашга қаратилган талабларни ўз ичига олади. Бундай ҳужжатларга мисол тариқасида қарздорни кўчириш, ундирувчини кўчириб киритиш, ишга тиклаш, фуқаролик ҳолати бўйича ўзгаришларни расмийлаштириш, давлат органларининг ғайриқонуний қарорларини бекор қилиш, нотажовузлик чораларини белгилаш, болалар тарбияси билан боғлиқ қарорлар ва бошқа шу каби мажбуриятларни келтириш мумкин. Бундай ҳужжатларнинг ижро этилиши нафақат фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда, балки маъмурий ва жиноят-процессуал тизимларда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Суд ҳужжатларининг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган бўлиб, бу борада “Суд ҳужжатлари ва бошқа



органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонун, Ижро иши юритиш тўғрисидаги ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари асосий тартиб-таомилларни белгилаб беради. Шунингдек, суд қарорларини ижро этиш билан боғлиқ жараёнлар Ўзбекистон Республикаси Суд қарорлари ижросини таъминлаш агентлиги томонидан амалга оширилади.

Амалиётда мулкӣ хусусиятга эга бўлмаган суд ҳужжатларининг ижро этилиши мулкӣ мазмундаги ижро ишларига қараганда кўпроқ қийинчиликлар туғдиради. Масалан, ишга тиклаш тўғрисидаги суд қарори қабул қилинган тақдирда, иш берувчи бу қарорни бажармаслиги мумкин. Бундай ҳолатларда суд қарори ижросини таъминлашнинг ҳуқуқӣ механизми ишга тушиши керак бўлади. Баъзи ҳолларда суд қарорини ижро этмаслик учун юридик шахслар ва мансабдор шахсларга нисбатан жарима санкциялари белгиланган бўлса-да, бу чоралар доимо самарали бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун ижро жараёнини мустаҳкамлаш учун халқаро тажрибани ўрганиш ва амалиётга жорий этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Суд ҳужжатларини ижро этиш ҳуқуқӣ давлатни шакллантириш ва фуқаролик жамиятини мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Суд қарорлари давлат ва жамият ҳаётида ҳуқуқӣ тартиботни таъминлашга қаратилган бўлиб, уларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилиши ҳуқуқӣ тизимнинг самарадорлигини белгилайди. Суд ҳужжатлари моддий (мулкӣ) ва мулкӣ хусусиятга эга бўлмаган талаблардан иборат бўлиши мумкин. Мулкӣ хусусиятга эга бўлмаган суд ҳужжатлари муайян шахсларнинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигига доир мажбуриятларни ўз ичига олиб, уларнинг ижроси турли ҳуқуқӣ ва маъмурий механизмлар орқали таъминланади.



Мулкий хусусиятга эга бўлмаган суд ҳужжатларига қатор мисоллар келтириш мумкин. Булар қаторига шахсларни ишга тиклаш, болаларни тарбиялаш билан боғлиқ қарорлар, давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг қонунбузарликларини бартараф этишга оид топшириқлар, шахсни фуқаролик ёки бошқа ҳуқуқий мақомига тиклаш каби мажбуриятлар киради. Бундай қарорларнинг ижроси тўғридан-тўғри молиявий ёки мулкий манфаатларга боғлиқ бўлмагани боис, уларнинг ижро жараёни мулкий характерга эга бўлган ҳужжатларга нисбатан мураккаброқ кечади.

Ўзбекистон Республикасида суд ҳужжатларини ижро этиш жараёни ҳуқуқий асослар билан тартибга солинган. Бу борада асосий қонунлардан бири – “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонундир.

Суд ҳужжатларини ижро этишда мажбурий ва ихтиёрий ижро усуллари мавжуд. Ихтиёрий ижро қилиш давлат ижрочисини ижро ишини кўзғатиш қарори қабул қилинганда шахснинг ўз мажбуриятларини ихтиёрий равишда бажариш учун ихтиёрий муддат белгиланади. Аммо кўп ҳолларда мулкий хусусиятга эга бўлмаган суд ҳужжатларини ижро қилиш мажбурий усулда амалга оширилади.

Мажбурий ижрони таъминлаш борасида давлат ижрочилари ижро органларининг иштироки муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонда бу вазифа Суд қарорлари ижросини таъминлаш Мажбурий ижро бюросининг давлат ижрочилари томонидан бажарилади. Ушбу орган суд ҳужжатларини ижро этиш, унинг самарадорлигини ошириш ва манфаатдор шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутди. Бироқ мулкий хусусиятга эга бўлмаган суд ҳужжатларини ижро этиш амалиётида бир қатор муаммолар мавжуд.

1. Айрим суд қарорлари ижросининг амалий механизми аниқ белгиланмаган. Масалан, ишга тиклаш бўйича қарор қабул қилинган тақдирда, иш берувчи уни



бажаришдан бош тортиши мумкин. Бундай ҳолларда жарима чоралари белгиланиши мумкин, бироқ бу ҳар доим ҳам етарли самара бермайди. Шунинг учун суд қарорларини бажаришни таъминлаш бўйича мукамал механизмларни ишлаб чиқиш зарур.

2. Ижро жараёнининг кечикиши ҳам муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Амалиётда баъзи суд ҳужжатлари айрим бюрократик тўсиқлар сабабли ўз вақтида ижро этилмайди. Бу эса суд қарорларининг реал натижадорлигини пасайтиради. Шу боис, ижро жараёнини тезлаштириш учун рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш ва автоматлаштирилган тизимларни жорий этиш зарур.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, суд ҳужжатларини ижро этмаслик ҳолатларига қарши қатор механизмлар мавжуд. Масалан, баъзи давлатларда суд қарорларини бажармаган шахсларга нисбатан жиноий жавобгарлик белгиланган. Бошқа давлатларда эса маъмурий санкциялар кучайтирилган. Германия ва Франция тажрибасига кўра, суд қарорларининг ижросини таъминлаш учун мажбурий жарималар, суд ижрочилари томонидан мустақил ижро чоралари кўриш, қонунбузарларга нисбатан процессуал чекловлар қўллаш амалиёти кенг тарқалган.

Ўзбекистонда ҳам суд ҳужжатларининг ижросини яхшилаш мақсадида бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, суд ижрочиларининг малакасини ошириш, ижро жараёнини рақамлаштириш, фуқароларнинг суд ҳужжатлари ижросига доир мурожаатларини соддалаштириш каби чора-тадбирлар кўриляётгани ижро жараёнининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, суд ҳужжатларининг ижросини таъминлашда жамоатчилик назоратини кучайтириш ва оммавий ахборот воситаларининг ушбу жараёндаги иштироки ҳам муҳим омиллардан бири ҳисобланади.



Мулкий хусусиятга эга бўлмаган суд ҳужжатларини ижро этиш ҳукуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишда муҳим ўрин тутди. Суд ҳужжатларининг ижро этилиши қонун устуворлигини таъминлаш, давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги ҳукуқий муносабатларни тартибга солиш, шунингдек, фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади. Мулкий хусусиятга эга бўлмаган суд ҳужжатларининг ижроси молиявий ёки моддий манфаатларга боғлиқ бўлмагани боис, унинг амалга оширилишида турли ҳукуқий, маъмурий ва ташкилий муаммолар юзага келиши мумкин. Шу боисдан, бундай ҳужжатларни ижро этиш тизимини такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш ва халқаро стандартларга мос равишда ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Мулкий хусусиятга эга бўлмаган суд ҳужжатларига айрим шахсларга яқинлашишни тақиқлаш, ишга тиклаш, болаларни тарбиялаш ва уларни фарзандликка олиш бўйича қарорлар, маъмурий органлар томонидан чиқарилган ноқонуний ҳужжатларни бекор қилиш, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонунга ҳилоф ҳаракатларини бартараф этиш каби мажбуриятлар киради. Бундай ҳужжатларни ижро этиш кўп ҳолларда давлат ижро органларининг фаолиятига боғлиқ бўлиб, уларнинг самарали ишлаши ижро жараёнининг муваффақиятини белгилайди.

Мақола натижалари шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикасида суд ҳужжатларини ижро этиш жараёни махсус қонунлар билан тартибга солинган бўлса-да, мулкий хусусиятга эга бўлмаган суд ҳужжатларини ижро этишда айрим муаммолар мавжуд. Булардан бири – ижро жараёнининг кечикиши ва уни амалга оширишдаги бюрократик тўсиқлардир. Амалиётда суд томонидан чиқарилган баъзи қарорларни ижро этиш узоқ муддат талаб қилади, бу эса уларнинг реал таъсирини



сусайтиради. Масалан, ундирувчини кўчириб киритиш тўғрисидаги қарорлар неча маротаба такроран киритилиши кўрсатилмаган, бу эса фуқароларнинг ҳуқуқларининг поймол бўлишига олиб келади. Бундай ҳолатларни бартараф этиш учун ижро жараёнининг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлаш, жарималар ва маъмурий санкцияларни кучайтириш, ижро органлари фаолиятини автоматлаштириш талаб этилади.

Бошқа бир муҳим масала – суд ижрочиларининг малакасини ошириш ва уларнинг фаолиятини самарали йўлга қўйишдир. Суд қарорларининг ижроси кўп ҳолларда давлат ижрочиларининг малакаси, уларнинг касбий тайёргарлиги ва ҳуқуқий билимларига боғлиқ бўлади. Халқаро тажрибадан маълумки, ривожланган давлатларда давлат ижрочилари махсус тайёргарликдан ўтиб, уларнинг фаолияти аниқ қоидалар асосида тартибга солинади. Шунинг учун Ўзбекистонда ҳам давлат ижрочиларининг малакасини оширишга қаратилган ўқув дастурлари ва махсус курсларни ташкил этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ижро жараёнининг самарадорлигини ошириш учун замонавий рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш зарур. Хусусан, суд ҳужжатларининг ижро этилишини мониторинг қилиш, ижро жараёнидаги кечикишларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш учун электрон ахборот тизимларини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Айрим давлатларда давлат ижрочиси билан боғлиқ жараёнларни онлайн кузатиш ва электрон платформалар орқали мурожаат қилиш имкониятлари мавжуд. Бу эса фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга ёрдам беради.

Мулкий хусусиятга эга бўлмаган суд ҳужжатларини ижро этиш жараёнида халқаро тажриба катта аҳамиятга эга. Масалан, Германия ва Францияда суд ижроси жараёни махсус мустақил органлар томонидан назорат қилинади ва ижро жараёнини



кечиктириш ёки бажаришдан бош тортиш учун қаттиқ жиноий ва маъмурий санкциялар мавжуд. АҚШ ва Буюк Британияда эса суд ҳужжатларининг ижроси давлат ва хусусий ижро органлари томонидан таъминланади, бу эса ижро жараёнини тезлаштириш ва унинг шаффофлигини оширишга хизмат қилади. Ўзбекистонда ҳам халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, суд ҳужжатларини ижро этиш тизимини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чораларини кўриш лозим.

Жамоатчилик назорати ҳам суд ҳужжатларининг ижросини таъминлашда муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Суд қарорларининг ижросини мониторинг қилиш, оммавий ахборот воситалари орқали ижро жараёнини ёритиш ва фуқароларнинг ҳукуқий саводхонлигини ошириш орқали суд ҳужжатларининг ижроси устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш мумкин. Бундан ташқари, суд ҳужжатларини ижро этиш жараёнида шаффофликни таъминлаш мақсадида жамоатчилик ва нодавлат ташкилотларнинг иштироки ҳам муҳимдир.

Хулоса қилиб айтганда, мулкӣ хусусиятга эга бўлмаган суд ҳужжатларини ижро этиш – ҳукуқӣ давлатни шакллантиришда муҳим механизмлардан бири бўлиб, унинг самарадорлигини ошириш учун қатор ташкилий-ҳукуқӣ чоралар кўриш зарур. Суд ижроси жараёнидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун қонунчиликни такомиллаштириш, ижро органлари фаолиятини рақамлаштириш, давлат ижрочиларининг малакасини ошириш ва халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда самарали механизмларни жорий этиш талаб этилади. Шунингдек, жамоатчилик назорати ва оммавий ахборот воситалари орқали суд ҳужжатларининг ижросини назорат қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бундай чоралар суд қарорларининг ўз вақтида ва самарали ижро этилишини таъминлашга ёрдам беради, бу эса қонун устуворлигини мустаҳкамлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим омил ҳисобланади.